

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ  
«НАМКОРБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«Намкорбанк» АТБ Кенгаши  
мажлисининг 14.02.2020 йилдаги  
03-сонли мажлис баёни билан.**

**Банк кенгаши Раиси**

\_\_\_\_\_ **И.Ибрагимов**

**«НАМКОРБАНК» АТБ АХБОРОТ СИЁСАТИ  
ТУҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**2020 йил**

## «Hamkorbank» АТБ нинг ахборот сиёсати тўғрисидаги низом

### МУНДАРИЖА:

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	2
2. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ МАҚСАДЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ .....	3
3. БАНК НОМИДАН АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ХУҚУҚИГА ЭГА ШАХСЛАР.....	3
4. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ.....	4
5. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ ШАКЛЛАРИ.....	6
6. АХБОРОТНИ АКЦИЯДОРЛАР ВА БОШҚА МАНФААТДОР ШАХСЛАРГА ТАҚДИМ ЭТИШ.....	8
7. БАНК МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИНГ АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШИ.....	10
8. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШГА ЧЕКЛОВЛАР БАНК, ТИЖОРАТ ЁКИ ХИЗМАТ СИРИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИГАН АХБОРОТ. ИНСАЙДЕР АХБОРОТИ.....	10
9. БАНККА АХБОРОТ ТАҚДИМ ЭТИШ .....	11
10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.....	12

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси (бундан кейин – Ўзб. Рес.) Конституцияси, Ўзб. Рес. Фуқаро кодекси, Ўзб. Рес.нинг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Тижорат сири тўғрисида”ги, “Банк сири тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолиятининг эркинлик кафолатлари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборотдан фойдаланиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги тамойиллари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Автоматлашган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонунлари, Ўзб. Рес. Вазирлар Маҳкамасининг 07.11.2011 йилдаги “Ўзб. Рес. Президентининг 2011 йил 8 июлдаги “Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1572-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 296-сон Қарори, «Қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари» ва Ўзб. Рес. нинг бошқа ҳуқуқий ва қонуний ҳужжатлари, Ўз Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари, Банкнинг Устави, шунингдек бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом ахборотни ошкор қилиш тамойиллари, қоидалари ва ёндашувларини, акциядорлар, шунингдек потенциал инвесторлар ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари(бундан кейин – бошқа манфаатдор шахслар)га ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига ошкор қилишини шарт бўлган ахборот ва ҳужжатлар рўйхатини, шунингдек уни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

3. Банк Ўзб. Рес.нинг амалдаги қонунчилиги, Ўзб. Рес. Марказий банки ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ ахборотни мажбурий ошкор қилади.

4. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборот ўзбек ва рус тилларида ошкор этилади, зарурият туғилганида инглиз тилига таржима қилинади.

5. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ошкор этилатган ахборотнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун масъулият Банк Бошқарув Раиси ва унинг ваколатли шахслари зиммасига юклатилади.

6. Электрон элтувчида ошкор қилинган ахборот қоғоз элтувчида ошкор этилган ахборотга тенг деб ҳисобланади.

## **2-боб. Ахборотни ошкор қилиш мақсадлари ва тамойиллари**

7. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этишнинг мақсади ишончли, бир-бирига зид бўлмаган, объектив ва тўлиқ ахборотни акциядорлар ва уни олишдан манфаатдор бўлган бошқа шахсларга Банкда иштирок этиш тўғрисида ўйлаб кўрилган қарорлар қабул қилиш ва Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир қила оладиган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур ҳажмда етказиш ҳисобланади.

8. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этишнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

а) уни тақдим этишнинг мунтазамлиги ва тезкорлиги;

б) барча акциядорлар ва манфаатдор шахсларнинг, Ўзб. Рес. қонунчилиги билан ўрнатилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш ҳуқуқларининг тенглиги;

в) унинг мазмуни ишончлилиги ва тўлиқлиги; Банкнинг очиқлиги ва унинг тижорат манфаатларига риоя қилиниши ўртасида оқилона мувозантга риоя қилиниши;

г) Банкнинг инсайдер ахбороти (банк, тижорат ва хизмат сири) га нисбатан махфийлик режимига риоя қилиш.

9. Ўз фаолиятини ёритишда банк акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун муҳим бўлган ўзи тўғрисидаги салбий ахборотни ошкор қилишдан бош тортмаслиги керак.

## **3-боб. Банк номидан ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга шахслар**

10. Банкнинг қуйидаги мансабдор шахслари (бундан кейин – “ваколатли шахслар”) ахборотни манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳуқуқига эга шахслар ҳисобланади:

а) Банк Кузатув кенгаши (бундан кейин – банк Кенгаши) раиси;

б) Банк Бошқаруви раиси;

в) Бошқарув раиси ўринбосари;

г) Хазина департаменти директори;

д) Молия ва бухгалтерлик ҳисоби департаменти директори;

е) Корпоратив маслаҳатчи (Корпоратив котиб).

11. Банкнинг ваколатли шахслари ҳисобланмайдиган шахслар Ваколатли шахснинг махсус рухсатсиз Банк фаолияти билан боғлиқ саволлар ва сўровларга жавоб бериш ва шарҳлаш ҳуқуқига эга эмас.

12. Ваколатли шахсларнинг Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига ва/ёки унинг қимматли қоғозлари қиймати таъсир қилиши мумкин бўлган барча оммавий чиқишлари Бошқарув раиси билан ёзма тарзда келишилган бўлиши керак.

13. Банкнинг бирор-бир ходими ҳар қандай тадбир, конференция ва ҳоказода ўзининг лавозим ёки бошқа мажбурятларини амалга ошириш доирасида иштирок этадиган ҳолларда Банкнинг бундай ходими Банк тўғрисидаги ахборотни Банкнинг ахборот сиёсати таъминлаши зарур.

#### **4-боб. Ахборотни ошкор қилиш усуллари ва манбалари**

14. Банк ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш ахборотни бир нечта усулда тарқатиш йўли билан амалга оширилади.

#### **Ахборотни банкнинг Интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайтида эълон қилиш**

15. Банк веб-сайтида қуйидагиларни эълон қилади:

- а) фаолиятининг предмети ва мақсадлари;
- б) зарурият бўлганда ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ахборот;
- в) банкнинг ташкилий тузилмасини, унинг тузилма бўлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва мустақил бўлмаган хўжалик жамиятларининг номлари ва координаталари, шунингдек уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- г) банк раҳбарлари (Кенгаш раиси ва Бошқарув раиси) тўғрисида маълумот ахбороти;
- д) банк бошқарув органлари ташкил этган коллегиялар ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
- е) Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик ҳисоботи, Банк Устави ва ички ҳужжатлари;
- ж) бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар;
- з) Банкнинг аффилиланган шахслари тўғрисидаги ахборот;
- и) банкнинг корпоратив бошқарув масалалари бўйича ички ҳужжатлари, шу жумладан Корпоратив бошқарув кодекси;
- к) банк фаолиятидаги муҳим фактлар;
- л) қимматли қоғозлар эмиссия рисоалари, ҳисоботлар, хабарлар, пресс-релизлар, мақолалар, интервью, реклама материаллари;
- м) кўрсатиладиган ишлар ва хизматлар рўйхати ва улар тўғрисидаги маълумотлар;
- н) банк ва унинг хизматлар кўрсатадиган ташкилотлари ўтказадиган очик танловлар (тендерлар) ва аукционлар тўғрисидаги маълумотлар;
- о) банкнинг молиявий-хўжалик ҳолатини ва унинг ривожланиш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги долзарб маълумотлар, банк фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий маълумотлар;
- п) ҳисобланган ва тўланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотлар;
- р) ташқи аудиторлик ташкилотининг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятни текшириш натижалари бўйича хулосалари;
- с) акциялар сотиб олиш тўғрисидаги ахборот;
- т) бошқа шахслар банкнинг корпоратив веб-сайтидаги ахборот материалларидан фойдаланганида унга ҳаволани албатта кўрсатиш тўғрисидаги талаблар;
- у) Банкнинг интернет тармоғидаги [www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz) манзили бўйича расмий саҳифаси, ягона корпоратив ахборот портали [www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) веб-сайти ҳамда “Тошкент” Республика Фонд Биржасининг [www.uzse.uz](http://www.uzse.uz) веб-сайтидаги бошқа ахборотлар.

#### **Ахборотни босма нашрларда эълон қилиш**

16. Банк пресс-релизлар, хабарлар, мақолалар, интервью, реклама материаллари ва бошқа ахборотларни Ўзб. Рес. ҳудудида, шунингдек хорижда тарқатиладиган даврий босма нашрларда, бундай эълон қилишга зарурият юзага келишига кўра, эълон қилади.

17. Банк Марказий банк ва бошқа ваколатли давлат органларининг сўровлари бўйича акциядорларнинг тузилмаси тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан банк устав капиталининг беш фоиздан ортиқ акцияларига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек бенефициарлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни таъминлайди.

18. Банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига дахлдор муҳим фактлар (ҳодисалар, ҳаракатлар) тўғрисидаги маълумотлар ва Банк қимматли қоғозларининг қийматига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар [Ягона корпоратив ахборот портали www.openinfo.uz](http://www.openinfo.uz) веб-сайтида тегишли факт юзага келган вақтдан бошлаб 2 иш кунидан кечикмай эълон қилинади.

19. Бошқа ахборот банкнинг Бошқарув органлари қарорлари билан белгиланадиган даврий босма нашрларда эълон қилиниши мумкин.

### **Ахборотни рисола ва буклетларда эълон қилиш**

20. Банк банкнинг ўзи ва унинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни, реклама материалларини ва бошқа материалларни брошюралар ва буклетларда, бундай эълон қилишга зарурият юзага келишига қараб, чоп этади.

21. Банк йиллик ҳисоботларни босмаҳона усулида тайёрлайди. Йиллик ҳисобот манфаатдор шахсларга уларнинг сўровлари бўйича тақдим этилади. Ҳисоботлар банк маблағлари ҳисобидан тайёрланади ва тарқатилади.

22. Банк ўзининг хусусий маблағлари, капиталга талаблари, ликвидлиги, хатар қийматлари ва бошқа асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотни Халқаро Базель қўмитаси ва Марказий банк ўрнатган тартибда ўзининг корпоратив веб-сайтида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ошкор қилади.

### **Акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан матбуот анжуманлари ва учрашувларни ўтказиш**

23. Банк банкда содир бўлаётган ёки содир бўладиган муҳим воқеаларга бағишланган матбуот анжуманлар, тақдимотлар ва учрашувларни ташкил этади.

24. Банк акциядорлар (акциядорларнинг вакиллари), инвесторлар ва инвестиция таҳлилчилари билан учрашувлар ўтказилади. Банк халқаро конференциялар ва симпозиумлар ишида иштирок этади. Матбуот анжуманларда, учрашувларда, шунингдек конференциялар ва симпозиумлар ишида иштирок этадиган банк вакиллари банк Бошқаруви раиси томонидан белгиланади.

### **Банк акциядорларига ахборот юбориш**

25. Банк акциядорларнинг талаби бўйича ва зарурият туғилганида акциядорларга буюртма хатлар жўнатиш йўли билан, факс орқали ёки шахсан имзо қўйдириб топшириш йўли билан кўрсатилган ахборотни юборади.

### **Ахборотни Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига тақдим этиш**

26. Ўзб. Рес. қонунчилиги талабларига ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ банк ушбу меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига қуйидаги ахборот ва ҳужжатларни тақдим этади:

а) қимматли қоғозларни чиқариш (қўшимча чиқариш) тўғрисидаги қарорлар, қимматли қоғозларнинг эмиссияси рисолалари ва қимматли қоғозларни чиқариш (қўшимча чиқариш) яқунлари тўғрисидаги ҳисоботлар;

б) Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида йил чораклари бўйича ҳисоботлар;

с) муҳим фактлар тўғрисидаги хабарлар;

д) Банкнинг қимматли қоғозлари қийматига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълумотлар тўғрисидаги хабарлар;

е) Банкнинг аффилиланган шахслари рўйхати;

ф) Ўзб. Рес. қонунчилиги ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг меърий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан кўзда тутилган бошқа ахборот ва маълумотлар.

## **5-боб. Ахборотни ошкор қилиш шакллари**

### **Ахборотни қимматли қоғозлар эмиссияси шаклида ошкор қилиш**

27. Банк Ўзб. Рес. меърий-ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмда қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласида банк тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилади, яъни:

а) Банкнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органлар, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатга олиш ва идентификация рақамлари;

б) охириги уч йилдаги бухгалтерлик баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботлари;

в) фаолиятининг асосий йўналишлари;

г) тегишли тушунтиришлар билан фаолиятига берилган мустақил рейтинг баҳоси – у мавжуд бўлганида;

д) Банк Кенгаши ва Бошқаруви таркибига кирадиган шахслар рўйхати, уларга тегишли банк акциялари (устав жамғармасидаги улуши) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

е) Банк филиаллари ва ваколатхоналари, унинг шўъба ва мустақил жамиятларининг уларнинг жойлашган манзили (почта манзили) кўрсатилган рўйхати;

ж) эмитентнинг аффилиланган шахсларининг уларга тегишли акциялар миқдори ва тури кўрсатилган рўйхати;

з) ходимларнинг охириги уч йилдаги ўртача йиллик сони;

и) охириги уч йилда муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар, уларнинг ҳажми ва чиқариш мақсади, улар бўйича эмитент томонидан ҳисобланган ва тўланган дивидендлар (фоизлар) тўғрисидаги маълумотлар;

к) эмитентга нисбатан охириги уч йилда қўлланилган санкциялар ва судда эмитент жавобгар ва даъвогар сифатида чиққан ишлар тўғрисидаги маълумотлар;

л) қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш шартлари.

### **Ахборотни муҳим фактлар тўғрисидаги хабарлар шаклида ошкор қилиш**

28. Қўйидагилар банкнинг молиявий-хўжалик фаолиятига даҳлдор муҳим фактлар (ҳодисалар, ҳаракатлар) тўғрисидаги хабарлар деб тан олинади:

1) номининг ўзгариши;

2) жойлашган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки веб-сайтининг ўзгариши;

3) қайта ташкил этилиши;

4) фаолиятининг вақтинча тўхтатилиши;

5) фаолиятининг тугатилиши;

6) эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар;

7) қимматли қоғозларга ҳуқуқларнинг ўзгариши;

8) кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижро органи таркибидаги ўзгаришлар;

9) филиаллари рўйхатидаги ўзгаришлар;

10) ваколатхоналари рўйхатидаги ўзгаришлар;

11) шўъба хўжалик жамиятлари рўйхатидаги ўзгаришлар;

12) мустақил бўлмаган хўжалик жамиятлари рўйхатидаги ўзгаришлар;

13) мулки ва (ёки) банк ҳисоб-рақамларининг хатланиши;

14) эмитентга нисбатан активлар қийматининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда даъво кўзғатилиши;

15) устав капиталининг 50 фоиздан ошадиган миқдорда кредит олиш;

16) активларнинг 50 фоиздан ошадиган миқдорда кредит олиш;

17) активлар қийматини 10 фоиздан ортиққа бир марталик ошириш;

18) активлар қийматини 10 фоиздан ортиққа бир марталик камайтириш;

19) эмитентнинг миқдори ёки мулк қиймати бўйича эмитент активларининг 10 фоиздан ортиқни ташкил этадиган бир марталик битимлари;

20) эмитентнинг йирик битим тузиши;

21) аффилланган шахс билан битим тузиш;

22) фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишга лицензия олиш;

23) фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишга берилган лицензиянинг бекор қилиниши ёки амал қилишининг тўхтатилиши;

24) фаолиятнинг алоҳида турларини амалга оширишга берилган лицензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш;

25) қимматли қоғозлар чиқариш;

26) қимматли қоғозлар чиқаришни тўхтатиб туриш;

27) қимматли қоғозлар чиқаришни янгидан бошлаш;

28) қимматли қоғозлар чиқаришни амалга ошмаган деб тан олиш;

29) қимматли қоғозлар чиқаришни ҳақиқий эмас деб тан олиш;

30) эмитент улар акциялари (улушлари, пайлари) нинг 10 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар;

31) эмитентнинг қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш (тўлаш) бўйича мажбуриятларини бажариш муддатларининг бошланиши;

32) қимматли қоғозлар бўйича даромадларни ҳисоблаш;

33) эмитентга нисбатан банкротлик процедурасини киритиш;

34) Кузатув кенгаши аъзоларининг эмитент акцияларига эгалигидаги ўзгаришлар;

35) Ижро органи аъзоларининг эмитент акцияларига эгалигидаги ўзгаришлар;

36) аффилланган шахслар рўйхатидаги ўзгаришлар;

37) қимматли қоғозлар эгаларида эмитентнинг уларга тегишли қимматли қоғозларни қайтиб сотиб олишини талаб қилиш ҳуқуқларининг юзага келиши.

29. Банкнинг қимматли қоғозлари қийматига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ва Ўзб. Рес. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда ошкор қилинадиган маълумотлар.

30. Агар банкнинг акциялари фонд биржасининг листингига киритилган бўлса, банк фонд биржасининг расмий веб-сайтида уставининг матнини, шу жумладан унга

киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, шунингдек қонунчиликда ўрнатилган тартибда ошкор қилиниши шарт бўлган бошқа ахборотни ошкор қилиши шарт.

31. Йиллик ҳисобот шаклидаги ахборотни ошкор қилиш

Банкнинг йиллик ҳисоботи Ўзб. Рес. қонунчилиги ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

Банкнинг йиллик ҳисоботи қуйидаги ахборотдан иборат бўлади:

а) эмитентнинг тўла ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк реквизитлари, рўйхатга олиш органи, давлат статистика ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатга олиш ва идентификация рақамлари;

б) олдинги йилдаги хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ахборот;

в) мансабдор шахслар шахсий таркибидаги ўзгартиришлар асоси;

г) тегишли йил учун бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот;

д) аудиторлик ташкилоти хулосасининг нусхаси;

е) қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар тўғрисида асосий маълумотлар;

ж) эмитентнинг ҳисобот йилидаги фаолиятидаги муҳим фактлар.

### **Банкнинг аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш**

32. Банк аффилланган шахслари тўғрисидаги ахборотни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи тасдиқлаган шакл бўйича тузиладиган аффилланган шахслар рўйхати шаклида ошкор қилади.

## **6-боб. Ахборотни акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этиш**

### **Акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан ўзаро алоқа**

33. Банк Ўзб. Рес. қонунчилиги ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этиши шарт бўлган ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

34. Банкнинг Корпоратив котиби ахборотдан фойдаланишни таъминлайди ва уни тақдим этади.

35. Банк акциядорлари банк уларга Ўзб. Рес. қонунчилиги ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар билан банк Бошқаруви жойлашган Андижон шаҳри, Бобур шоҳ кўчаси, 85-уй манзилида танишишлари мумкин.

36. Банк ҳужжатларни танишиш учун тақдим этади ёки банк Бошқаруви раиси ёки банк Кенгаши раиси номига ихтиёрий ёзма шаклда тузилган тегишли талабнома тақдим этилганида ҳужжатларнинг нусхаларини беради. Талабномада мурожаат қилган акциядорнинг фамилияси, исми-шарифи (юримдик шахслар учун – номи ва жойлашган жойи), унга тегишли акциялар миқдори ва тоифаси ва сўралаётган ҳужжат номи кўрсатилиши зарур.

37. Ҳужжатларни тақдим этиш ёки уларнинг нусхаларини бериш мақсадлари учун банк Кенгашининг Корпоратив котиби банк акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида мурожаат қилган шахснинг банк акцияларига эгалик фактини текширади. Акциялар номинал эгасига берилган ҳолда акцияларнинг эгаси банкка депо ҳисоб рақамидан кўчирма тақдим этиши зарур бўлади, у акцияларга эгалик ҳуқуқини тасдиқлаш учун етарли ҳисобланади. Агар ахборот олиш учун акциядорнинг вакили мурожаат қиладиган ҳолларда у тегишлича расмийлаштирилган ишончнома тақдим этиши шарт.



38. Хужжатларнинг нусхалари ҳақ эвазига тақдим этилади, бу ҳақ миқдори банк Бошқарувининг қарори билан белгиланади ва хужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш харажатларидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

39. Банк акциядорнинг талаби бўйича қуйидаги хужжатларнинг нусхаларини тақдим этади:

а) банк устави, ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, банкнинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

б) банкнинг унинг балансидаги мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқлайдиган хужжатлар;

в) акциядорлар умумий йиғилиши ва жамиятни бошқаришнинг бошқа органлари тасдиқлайдиган хужжатлар;

г) Банкнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомлар;

д) охириги молиявий йил учун йиллик ҳисобот;

е) акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси рисоласи;

ж) сўралаётган давр учун Марказий банкка тақдим этиладиган молиявий ҳисобот;

з) акциядорлар умумий йиғилиши, банк кенгаши, тафтиш комиссияси мажлисларининг мажлис баёнлари;

и) банк аффилиланган шахсларининг уларга тегишли акциялар миқдори ва турлари кўрсатилган рўйхати;

к) тафтиш комиссияси, аудиторнинг хулосалари;

л) банк устави, банк бошқарув органларининг қарорлари билан кўзда тутилган бошқа хужжатлар, шунингдек Ўзб. Рес. қонунчилиги билан кўзда тутилган бошқа хужжатлар.

40. Банк акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг талаби бўйича унга акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда акциядорлар(уларнинг вакиллари)га тақдим этилиши зарур бўлган материаллар нусхаларини банкка тегишли сўров тушган санадан бошлаб 5 кун мобайнида, шунингдек банк уставида ва банк акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган бошқа усуллар билан тақдим этади.

41. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишда акциядорларга тақдим этилиши шарт бўлган ахборот, хужжатлар ва материаллар рўйхати банк Кенгаши томонидан акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишда тасдиқланади.

#### **Акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан ўзаро алоқа**

42. Банк акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан ўзаро алоқа доирасида банкнинг ахборот очиқлиги ва шаффофлигини оширишга йўналтирилган бир қатор тадбирларни амалга оширади:

а) Банк фаолиятидаги барча муҳим ҳодисалар бўйича маълумотларни тарқатиш;

б) Акциядорлар, бошқа манфаатдор шахслар ва таҳлилчилар учун учрашув ва тақдимотлар;

с) Банк ташкил этадиган бошқа тадбирлар.

#### **Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқа**

43. Банкнинг ахборот очиқлиги ва шаффофлигини ошириш мақсадларида банк бир қатор тадбирларни амалга ошириш воситасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро алоқани таъминлайди:

а) Банк фаолияти тўғрисидаги барча муҳим ҳодисалар бўйича маълумотларни тарқатиш;

- б) Банкга раҳбарлик қилувчи таркибининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан пресс-конференциялари ва учрашувларини ўтказиш;
- в) Оммавий ахборот воситалари вакилларининг банкка тушаётган ахборот сўровларига жавоблар тайёрлаш;
- г) конференциялар, семинарлар ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- д) Интернет тармоғида банкнинг расмий саҳифасини сақлаб туриш ва мунтазам янгилаб бориш.

44. Банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари банкда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқани ташкил қилиш учун масъул шахс ҳисобланади.

#### **7-боб. Банк мансабдор шахсларининг ахборотни ошкор қилиши**

45. Банк Кенгаши, Бошқаруви аъзолари, шунингдек банк Бошқаруви раиси уларнинг манфаатлари ва банк манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келганлиги ёки келиши мумкинлиги тўғрисида банк Кенгашига ёзма хабар қилиши шарт.

46. Банк Кенгаши, Бошқаруви аъзолари, шунингдек банк Бошқаруви раиси банк Кенгашига куйидагилар тўғрисида ёзма хабар қилиши шарт:

улар ўзлари мустақил ёки аффилиланган шахс (шахслар) билан биргаликда овоз ҳуқуқига эга бўлган акциялари (улушлари, пайлари)нинг 10 ёки undan ортиқ фоизига эга бўлган юридик шахслар тўғрисида;

уларнинг бошқарув органларида ўзлари лавозимларни эгаллаб турган юридик шахслар тўғрисида;

уларга маълум бўлган тузилаётган ёки тузилиши тахмин қилинаётган ва бунда улар манфаатдор шахслар деб тан олинishi мумкин бўлган битимлар тўғрисида;

банк ва/ёки унинг шўъба (мустақил бўлмаган) жамиятлари устав капиталида ўз иштирокининг улуши тўғрисида.

#### **8-боб. Ахборотни ошкор қилишга чекловлар. Банк, тижорат ёки хизмат сирини ташкил этадиган ахборот. Инсайдер ахбороти**

47. Банк Ўзб. Рес. нинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек Банкнинг инсайдер ахборотдан фойдаланишни тартибга солувчи ички ҳужжатларига мувофиқ банк, тижорат ёки хизмат сирини ташкил этадиган ахборотга киритилган, учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қимматига эга бўлган ва undan қонуний асосда эркин фойдаланиш мумкин бўлмайдиган ҳолларда ахборотнинг махфийлигини муҳофазалашнинг барча зарур чораларини кўради.

48. Тижорат ёки хизмат сирини ташкил этадиган ахборот рўйхати, бундай ахборотдан фойдаланиш шартлари, шунингдек undan фойдаланиш имконияти Банк Кенгаши томонидан Банкнинг очиқлиги ва Банк хавфсизлиги ва манфаатларига зарар етказмасликка интилиш ўртасида оқилона мувозанатга риоя қилиш заруриятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

49. Банк барча учун очиқ бўлмаган ва ошкор этилиши банкнинг акциялари ва қимматли қоғозлари қийматига муҳим таъсир кўрсатиши мумкин бўлган (инсайдер ахборот) банкнинг фаолияти, акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари, улар билан тузилган битимлари тўғрисидаги муҳим ахборотдан фойдаланилишини назорат қилади.

Инсайдер ахборотдан фойдаланиш тартиби банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Банкнинг ички ҳужжати билан белгиланади.

50. Банк томонидан ҳимояланадиган куйидаги маълумотлар **Банк сир**и ҳисобланади:

- а) ўз мижозлари (корреспондентлари) нинг операциялари, ҳисоб рақамлари ва омонатлари тўғрисидаги;
- б) мижозга банк хизматлари кўрсатиш муносабати билан банк олган ўз мижози (корреспонденти) тўғрисидаги;
- в) мижоз (корреспондент)нинг банк сейфлари ва хоналарида сақланаётган мулки мавжудлиги, унинг характери ва қиймати тўғрисидаги;
- г) мижоз (корреспондент) нинг топшириғи билан ёки унинг фойдасига амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги;
- д) банклар ўртасида банк сирини ташкил этадиган маълумотларнинг айланиши натижасида маълум бўлган бошқа банкнинг мижози (корреспонденти) тўғрисидаги;
- е) жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари, пенсия бадаллари суммасининг миқдори ва ҳаракати, фуқароларнинг индивидуал жамғарма пенсия ҳисоб-рақамларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

51. **Тижорат сир** – бу унинг учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли илмий-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисод ва бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган ахборот бўлиб, ундан қонуний асосда эркин фойдаланиш мумкин бўлмайди ва бу ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

52. Банкнинг **хизмат сир** – Банк тўғрисидаги барча эркин фойдаланиши мумкин бўлмайдиган ҳар қандай ахборот бўлиб, учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги сабабли ҳақиқий ёки потенциал тижорат қимматига эга бўлганда ундан қонуний асосда эркин фойдаланиб бўлмайди ва бу ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини ҳимоя қилиш чораларини кўради.

53. Бошқарув Раиси Банк номидан тижорат ёки хизмат сирини муҳофаза қилиш чораларини кўради.

54. Банкнинг мансабдор шахслари ва ходимлари билан тузиладиган меҳнат шартномасига мажбурий тартибда банк, тижорат ва хизмат ахборотини ошкор қилмаслик тўғрисидаги шартлар киритилади.

55. Бундай ахборотга эга бўлган шахслар ундан ўз манфаатлари йўлида битимлар тузиш учун фойдаланиш, шунингдек учинчи шахсларга улар бундай битимлар тузиши учун бериш ҳуқуқига эга эмас.

## 9-боб. Банкка ахборот тақдим этиш

56. Банкнинг дастлаб бошқа шахслардан олиниши зарур бўлган ахборотни ошкор қилиш зарурияти туғилган ҳолда Банк бундай ахборотни ўз вақтида олиш ва доимий янгилаб боришнинг барча чораларини кўради.

57. Банк Ўзб. Рес. қонунчилиги билан кўзда тутилган ҳолларда унинг фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

58. Банк Кенгаши аъзолигига номзод томонидан ўзи ҳақида ахборот тақдим этиш тартиби, бундай ахборотни тақдим этиш ҳажми ва муддатлари Банкнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.

59. Банкнинг қимматли қоғозлари эгалари реестрининг эгаси Ўзб. Рес. қонунчилиги билан кўзда тутилган тартибда Банк Бошқаруви Раиси ёки у ваколат берган шахсларнинг талаби бўйича реестрдан ахборот тақдим этади.

60. Банкнинг аффилиланган шахслари уларга тегишли акциялар тўғрисида уларнинг миқдори ва тоифалари (турлари)ни кўрсатган ҳолда Банк Кенгашига акцияларни сотиб олиш санасидан бошлаб 10 кундан кечикмай ёзма шаклда хабар беришлари шарт.

61. Агар аффилиланган шахснинг айби билан кўрсатилган ахборотни тақдим этмаслик ёки уни ўз вақтида тақдим этмаслик натижасида Банкка мулкий зарар етказиладиган ҳолларда аффилиланган шахс Банк олдида етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

62. Банк аудитори Банкка унинг молиявий-хўжалик фаолиятини Ўзб. Рес. Марказий банки талабига ва Банк билан тузилган шартномага мувофиқ текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.

#### **10-боб. Яқуний қоидалар**

63. Банк Кенгаши Бошқарув Раисидан ушбу Низомга риоя қилиниши тўғрисидаги ахборотни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

64. Банк Бошқаруви банк, хизмат ва тижорат сирларини ҳимоя қилиш, махфий ахборотнинг ошкор қилиниши ёки рухсатсиз тарқалишидан кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш мақсадларида махфийлик режимига риоя қилинишини таъминлайди.

65. Банк Кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва барча мансабдор шахслари ушбу Низомга риоя қилиниши учун масъулдирлар.

66. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан Банк Кенгаши мажлисининг 09.09.2016 йилдаги 21-сон қарори билан тасдиқланган «Hamkorbank» АТБнинг ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотади.

**Юрист** \_\_\_\_\_ **А.Комилов**

**Қимматли қоғозлар ва биржа  
хизматлари бўлими бошлиғи** \_\_\_\_\_ **С.Турдияхунов**

**Ишчи гуруҳ котиби  
Методология сектори мутахассиси** \_\_\_\_\_ **З.Ахунова**